

# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2013 йил 27 июнь, № 124 (5798) Пайшанба


Янгиликлар, воқеалар,

## хабарлар

*Асакалик автомобилсозларга жаҳон андозаларига мос бутловчи қисмлар етказиб бераётган хусусий корхоналар сони тобора кўпаймоқда.*

### Жаҳон андозаларига мос

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида фаолият кўрсатаётган мазкур ишлаб чиқариш субъектларида импорт ўрнини босувчи янги турдаги маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилаяпти.

Хусусан, Қўрғонтепа туманидаги “Умид” хусусий савдо-ишлаб чиқариш фирмаси жорий йилнинг беш ойида “GM Uzbekistan” ёпиқ акциядорлик жамиятига “Нексия” автомобиллари учун 157 минг дона бутловчи қисм етказиб берди.

— Маҳсулот сифати унинг харидоргирлигини таъминлайди, — дейди фирма раҳбари Ҳамиджон Эргашев. — Шу боис ҳар бир деталнинг пишиқ ва пухталигига эътибор қаратаяпмиз. Яқиндан бошлаб қишлоқ хўжалиги техникалари учун ҳам турли ўлчамдаги металл деталлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик.

Умуман, туманда жорий йилнинг биринчи чорагида шу каби 12 та истиқболли лойиҳа амалга оширилди.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Инвестиция шарофати

*Гулистон шаҳрининг Баҳор маҳалласида ташкил этилган “Гулистон пакет импекс” масъулияти чекланган жамиятида ўнлаб турдаги целлофан пакетлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.*

Йилига 120 тонна полиэтилен маҳсулотлар ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган ушбу тармоқни ташкил этишга 77,5 минг АҚШ доллари миқдоридаги инвестиция йўналтирилди. Ҳозир бу ердаги илғор ускуналар 10 га яқин ёш мутахассислар томонидан бошқарилмоқда.

Умуман, жорий йилнинг беш ойи давомида Сирдарё вилояти тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида 68 миллиард 878 миллион сўм миқдорида кредит ажратилиши 4400 та иш ўрни ташкил этиш имконини берди.

**Ғайрат ЭРНАЗАРОВ.**

### Буюртмачиларга — қурилишбоп материаллар

*Юртимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Когон туманида ҳам уй-жой қурилиши кўлами йил сайин кенгаймоқда.*

Бу эса қурилишбоп материалларга бўлган талабнинг ошишига олиб келаяпти. Шуни ҳисобга олган “Достонбек Нуробод” масъулияти чекланган жамияти тадбиркорлари янги бизнес лойиҳани амалга оширдилар. Яъни пишиқ ғишт ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бунинг учун корхона даромади ҳисобидан 35 миллион сўм миқдорида маблағ сарфланди. Дастлабки ўн миллион сўмлик маҳсулот буюртмачиларга етказилди.

Эътиборлиси, ҳудуд иқтисодий-ижтимоий салоҳиятини юксалтириш мақсадида жорий йилнинг ўзида туманда жами 69 та бизнес лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Бунинг учун 12,9 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя киритилади. Натижада ўндан зиёд турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади, 500 та иш ўрни юзага келади.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Олис қишлоқда — замонавий корхона

*Ҳазорасп туманидаги Тупроққалъа қишлоғи вилоятнинг энг чекка ҳудудларидан бири ҳисобланади.*

Яқинда бу ерда 500 миллион сўмлик банк кредити сарфланиб, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга киришилди. “Боғот дон” очиқ акциядорлик жамиятига қарашли мазкур корхона Германиядан келтирилган энг илғор технологиялар билан жиҳозланди. Натижада қишлоқ ёшларидан 20 нафари муқим иш жойига эга бўлди.

Корхона жамоаси йил охиригача ички бозорга 500 миллион сўмлик маҳсулот чиқаришни мўлжалламоқда.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Ишлаб чиқариш ҳажми ортди

*Ғаллаорол туманидаги “Ойбек Диёр” масъулияти чекланган жамиятида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,5 баробар ортди.*

Бунинг учун 250 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилиб, 3 турдаги қум, шағал ҳамда бетон қоплама маҳсулотлари тайёрлаш йўлга қўйилди.

— Юртимизда бунёдкорлик ишлари кўлами кенгайиши билан қурилиш маҳсулотларига талаб ортмоқда, — дейди жамият раҳбари Баҳром Каримов. — Яратилган имконият ва имтиёзлардан фойдаланиб, корхонамиз қувватини оширдик ва 20 нафар қўшимча иш ўринлари ташкил этдик.

Ўтган даврда корхона жамоаси томонидан уй-жой ва йўл қурилиши учун 400 миллион сўмликка яқин маҳсулотлар тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилди. Яқин кунларда бу ерда деворбоп бетон плиталар ишлаб чиқариш ҳам режалаштирилган.

**Улуғбек АДИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ЭЪТИРОФ

*Германияда ўзбек халқининг тарихи, маданияти, анъаналарига, шунингдек, юртимиз сайёҳлик салоҳиятига нисбатан қизиқиш тобора ортиб бораётир. Қолаверса, Германия оммавий ахборот воситаларида тез-тез нашр этилаётган хабар-мақолалар ҳам мазкур мамлакатда Ўзбекистоннинг тарихий ва маданий мероси янада оммалашишига хизмат қилмоқда.*

## Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти немис нашрлари нигоҳида

Жумладан, яқинда Баварияда жойлашган “The Silk Road Company” сайёҳлик компаниясининг “Usbekistan — News” даврий электрон нашрида “Ўзбекистон — ажойиб мевалар мамлакати” сарлавҳали мақола чоп этилди. Унда саховатли юртимиз заминида етиштириладиган ширин-шакар мевалар мавзуси қаламга олинган.

“Ўзбекистонда ҳурмат ва меҳмондўстлик рамзи сифатида дастурхонга доимо турли мевалар, хусусан, тотли узум, майиз, ўрик ва айниқса, ўзининг ширин таъми ҳамда фойдали хусусиятлари билан қадим даврлардаёқ Марказий Осиёдан бошқа мамлакатларга етказиб берилган тарвуз тортилади”, дея ёзилади нашрда.

“Usbekistan — News”да эълон қилинган “Минг бир кеча” эртагидаги сингари ширинликлар” сарлавҳали иккинчи мақолада эса Ўзбекистонга келган сайёҳлар ўзларини “ширинликлар олами”га тушиб қолгандек ҳис этишлари эътирофини топган.

“Буюк Ипак йўли тарихида нон синдириш чуқур рамзий маънога эга бўлиб, ҳозирги кунга қадар бу табаррук анъана ўзига хос дўстлик рамзи ҳисобланади”, дея таъкидланади “Usbekistan News”да. Нашр ўз ўқувчиларига Ўзбекистоннинг ҳар бир шаҳрида ўнлаб турдаги нонлар тайёрланишини маълум қилар экан, уларнинг таркиби, бетакрор хусусиятлари, мамлакатнинг турли ҳудудларидаги иқлим шароитларига боғлиқлик жиҳатлари ҳақида ҳам атрофлича тўхталади.

“Ўзига хос таом сифатида нон ҳар бир ўзбек оиласининг доимий ҳамроҳи бўлиб келган. Уни узум, тарвуз ва бошқа янги узилган мевалар билан бирга тановул қилиш мумкин. Дунёнинг ҳеч бир ерида серқуёш Ўзбекистондагидек мазали мева ва сабзавотларни учратмайсиз”.

Германияда нашр этиладиган “Westdeutsche Zeitung” газетасининг Ўзбекистонга бағишланган махсус мақоласида эса Шимолий Рейн-Вестфалия ўлкасидаги Мербуш шаҳридан Ўзбекистон шаҳарларига сафар уюштирган бир гуруҳ немис саёҳатчиларининг таассуротлари қаламга олинган.

(Давоми 4-бетда).

## Рақобатбардош маҳсулотлар

**ишлаб чиқариш енгил саноат тизими корхоналари фаолиятининг муҳим йўналишидир**

АНЖУМАН

Кеча пойтахтимизда “Ўзбекенгилсаноат” давлат-акциядорлик компанияси томонидан тизимда маҳсулот экспорти кўламини кенгайтириш борасида амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

Таъкидландики, бугунги кунда енгил саноат корхоналарида маҳаллий хом ашёни қайта ишлашни йўлга қўйиш мақсадида кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида нафақат ички бозоримиз ўзимизда ишлаб чиқарилган сифатли маҳсулотлар билан боймоқда, балки уларни экспорт қилиш салоҳияти ҳам тобора юксалиб бораётир.

Айни пайтда тизимда 290 га яқин корхона фаолият юритаётган бўлса, улар томонидан жорий йилнинг ўтган беш ойи давомида 761,8 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 119 фоиз ўсишга эришилди, деганидир. Шунингдек, 344,4 миллион АҚШ долларилик замонавий ва сифатли енгил саноат маҳсулотлари Финляндия, Канада, Саудия Арабистони, Марокаш, Тунис, Швейцария, Австрия, Венгрия сингари дунёнинг 50 га яқин давлатларига экспорт қилинмоқда. Албатта, бундай ижобий натижани қўлга киритишда компания тасарруфидаги йирик корхоналарнинг хорижий давлатларда уюштирилаётган кўплаб халқаро кўргазма ва ярмаркаларда мунтазам иштирок этиб келаётгани муҳим омил бўлаётир.

Бундан ташқари, ҳозирги кунда тизимга қарашли йирик экспортчи корхоналарнинг Европа Иттифоқи, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Осиё мамлакатларида 40 дан зиёд дилерлик тузилмалари фаолият юритмоқда. Уларнинг бари жорий йилга келиб, экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар улушини 35 фоизга етказиш имконини берди.

Мухтасар айтганда, компания тизимида эндиликда тугалланмаган босқич (ип калава ва хом газлама ишлаб чиқариш)дан тўлиқ тайёр маҳсулот тикишга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Бу эса 2012 — 2015 йилларга мўлжалланган дастур доирасида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш суръатини йилига 120 фоиз, экспорт салоҳиятини 10 фоизга ошириш, бозор эҳтиёжини қондиришни 60 фоизга етказишдек эзгу мақсадларнинг рўёбга чиқишидан далолатдир.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Миллий матбаа равнақи

**соҳа корхоналарининг эришган ютуқларида намоён бўлмоқда**

*Демократик давлат қуриш ҳамда кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш, соҳага бозор муносабатларини татбиқ этиш бўйича ислоҳотларнинг изчил амалга оширилиб келинаётгани кўзланган самараларни бермоқда.*

ИЗЛАНИШ






Зеро, демократик жараёнларни чуқурлаштириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштирокини кенгайтиришда бундай омиллар муҳим аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, айни чоғда матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари зиммасидаги вазифалар ғоятда масъулиятлидир. Хусусан, бугун журналистларимиз нафақат жамиятда рўй бераётган воқеликларнинг ёритувчиси, балки инсон манфаатлари ҳимоясини таъминлашга ҳисса қўшувчи касб эгалари сифатида алоҳида ҳурмат-эҳтиромга эга. Кўрсатув ёки эшиттириш бўлсин, ахборот ёхуд мақола бўлсин, уларни тайёр ҳолда зийрак томошабин, тингловчи, ўқувчи талабига мос ҳавола этиш — мураккаб ва ўта машаққатли жараён. Жумладан, ҳозир юртимизда чоп этилаётган газета ва журналларнинг сифатли, ранг-баранг ва бежирим нашр этилишида матбаа ходимларининг ҳам хизмати катта. Хусусан, бу соҳа ривожини таъминлашга қаратилган ислоҳотлар самараси ўлароқ, кейинги йилларда республикамиздаги мавжуд нашриётлар замонавий техник ускуналар билан таъминланди, янги босмахоналар, матбаачиликка ихтисослаштирилган корхоналар фаолияти йўлга қўйилди.

Чунончи, “Қашқадарё вилоят босмахонаси” масъулияти чекланган жамиятида амалга оширилган техник ва технологик янгиланишлар ишлаб чиқариш қувватини қарийб 10 баробарга ошириш имконини берди. Бошқача айтганда, корхонада шу пайтгача соатига 3,5 минг нусха газета чоп этилган бўлса, энди мазкур кўрсаткич соатига 30 мингтага етказилди.

(Давоми 2-бетда).

ЭЪТИБОР

*Пойтахтимиздаги болалар экологик маърифий кўнгилочар боғи — Экобоғда “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди томонидан таъсис этилган навбатдаги акция ҳамда грант дастури бўйича якуний маросим ўтказилди.*

## Экобоғда хайрия тадбири

“Нодавлат нотижорат ташкилотлари Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ тумани болаларини қўллаб-қувватламоқдалар” деб номланган хайрия экологик акцияси ҳамда “Ҳудудий нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ижтимоий аҳамиятли лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш” грант дастури доирасидаги “Обод уйим” танлови ғолибларини тақдирлаш тадбири кенг жамоатчилик эътиборини тортди. Унда тегишли вазирлик, идоралар ва жамоат ташкилотлари, банк-молия муассасалари, мамлакатимизда фаолият юритаётган халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

(Давоми 4-бетда).

## E-Sud — электрон судлов тизими жорий этилмоқда

*Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлиги ҳамда манфаатларини таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 2 августдаги “Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 декабрдаги “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишларни янада жадаллаштириб юборди.*

ЯНГИЛИК

Аниқ айтадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан БМТ Тараққиёт дастури ваколатхонаси билан ҳамкорликда “Фуқаролик суд ишларини юритишни ислоҳ қилиш: самарали суд бошқаруви” қўшма лойиҳаси доирасида E-Sud — электрон суд иш юритуви тизими ишлаб чиқилди.

— Мазкур лойиҳа Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларининг институционал асосларини янада мустаҳкамлашда техник кўмак бериш мақсадида амалга оширилмоқда, — дейди лойиҳа миллий координатори Холмўмин Ёдгоров. — Бу қонунчилик ва амалиётда фуқаролик суд ишларини юритишни ривожлантириш, суд қарорлари сифати ва ижросини яхшилаш, фуқаролик суд ишларини юритиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Айни чоғда E-Sud тизимини жорий этиш орқали интерфаол суд хизматини йўлга қўйиш, шунингдек, уларда ортиқча сансалорликларни камайтириш кўзда тутилмоқда.

E-Sud тизимини ишлаб чиқиш чоғида Корея Республикаси, Малайзия каби давлатлар тажрибаси ўрганилди.

Лойиҳа ижодкорларининг таъкидлашларича, E-Sud тизими ўзига хос ишлаш тартибига ва бир қатор имкониятларга эга. Масалан, тизимнинг “Суд портали” фуқаролик ишлари бўйича судларга интернет орқали даъво аризалари билан мурожаат қилиш имконини беради. Тизимга кириш ва ундан фойдаланиш учун эса фойдаланувчи электрон-рақамли имзо ёки ID.UZ тизими орқали рўйхатдан ўтиши ҳамда шахсини тасдиқлаши лозим бўлади.

(Давоми 2-бетда).

## 27 ИЮНЬ — МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

*Мамлакатимизда эркин фуқаролик жамияти барпо этиш, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари тамойилини амалда қўллашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли алоҳида аҳамиятга эга. Шу боис унинг ривожига, давлат ва жамият ҳаётидаги фаол иштирокига катта эътибор билан қаралмоқда. Бунда, айниқса, давлатимиз раҳбарининг соҳа равнақига кўрсатаётган ғамхўрлиги, бу касб эгаларига нисбатан алоҳида ҳурматини ҳар бир журналист ўз фаолиятимизда кўриб, юракдан ҳис этмоқдамиз.*

# ҲАҚҚОНИЙЛИК ВА ХОЛИСЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Дарҳақиқат, тобора шиддат билан ўзгариб бораётган бугунги кунда оммавий ахборот воситалари, айниқса, радио ва телевидениенинг ҳаётимизда тутган ўрни юксалиб бораяпти. Ана шу кучли эҳтиёж туфайли бугунги кунга келиб юртимизда телеканаллар сони 67 та, радиоканаллар эса 34 тага етди. Теле, радиоканаллар фақат сон эмас, сифат жиҳатидан ҳам ўсиб бормоқда. Соҳада жуда кўп ислоҳотлар, муттасил янгиланиш ва ўзгаришлар рўй бераяпти. Буни биргина Миллий телерадиокомпания миқёсида бўлаётган ўзгаришларда яққол кўриш мумкин. Тизимга сўнгги русумдаги энг замонавий техника ва технологияларнинг жорий этилгани, эфирга узатишнинг рақамли тизимига ўтилгани кўпчиликнинг ҳайрату ҳавасига сазовор бўлаётир. Ҳозирги кунга келиб, Миллий телерадиокомпания тизимига кирувчи марказий телеканаллар сони саккизтага етди. Булар “O`zbekiston”, “Yoshlar”, “Toshkent”, “Sport”, “Madaniyat va ma’rifat”, “Dunyo bo`ylab”, шунингдек, Президентимизнинг шу йил 30 майдаги қарори билан ташкил этилган ҳозирча энг кенжа “Bolajon” телеканаллари ҳамда битта юқори тиниқликдаги UzHD телеканали ҳисобланади. Худди шунингдек, вилоятларимиз телеканаллари ҳам давр талабига ҳамоҳанг тарзда ривожланиб бораётгани қувонарли ҳолдир.

Шу ўринда Президентимизнинг ўтган йили Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг касб байрами муносабати билан йўллаган табригида бугунги кун журналистининг олдида турган долзарб вазифалар, хусусан, халқнинг онгу тафаккурига ҳар томонлама теран етиб борадиган таҳлилий ва танқидий кўрсатув, мақола ва материаллар сонини кўпайтириш лозимлиги устувор вазифалардан бири эканлиги таъкидлаб ўтилганлигини эслаб ўтиш жоиз, деб биламан. Шунча шароит ва имкониятлар яратиб берилган бир вазиятда биз журналистлар мана шу вазифани қанчалик уддалай олаяпмиз? Афсуски, бу масалада камчиликларимиз талайгина.

Ўткир мавзуларни четлаб ўтиш, ўзини ўзи назорат қилиш, кимлардир ёмон кўринмаслик, воқеликка бир хил ёндашув каби иллатлардан батамом халос бўла олганимизча йўқ. Биз, аввало, ўз фаолиятимизга танқидий муносабатда бўлиб, Президентимиз кўп бора таъкидлаганидек, ҳаётдан бир қадам олдинда юрмоғимиз, тараққиётимиз йўлига ғов бўлаётган иллат ва нуқсонларни бошқалардан аввалроқ сезиб, уни илдизи билан қуритишга ҳаммадан илгарироқ киришмоғимиз керак.

Шу масалада “O`zbekiston” телеканалида бўлаётган баъзи тажрибаларни ҳам айтиб ўтиш ўринли. Жамиятимизда бўй кўрсатаётган муаммолар, табиатимиздаги лоқайдлик, бепарволик, жамоат мулкига муносабат, қонунларга итоат бобидаги иллатларни танқид остига олувчи “Нигоҳ” туркумидаги теледастурлар ўзининг мақсадига эришмоқда, самарасини кўрсатаётир. Бу дастурлар орқали тилга олинаётган муаммоларга давлат ва жамоат ташкилотларининг эътибори қаратилиб, уларни ҳал этиш чоралари кўрилмоқда. “Инсон ва қонун”, “Бир жиноят изидан...”, “Муносабат”, “Уйғоқ виждон билан...”, “Хиёнатнинг янги шакли”, “Эл ғамини еб”, “Неча қилсанг тарбият...” каби кўрсатувлар ҳам жамиятимизда соғлом маънавий муҳит яратиш, жиноятчиликнинг олдини олиш, Ватанга хиёнат қилишдай кечирилмас жиноятнинг мудҳиш оқибатларидан огоҳ этиш, муқаддас динимиздан ўзларининг манфур мақсадлари йўлида фойдаланишга уринаётган гуруҳ ва оқимларнинг қилмишларини фош қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш орқали қонун устуворлигига эришиш каби бугунги куннинг долзарб масалаларини экранга олиб чиқмоқда.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси тизимидаги теле ва радиоканаллар сунъий йўлдош орқали дунёнинг 80 дан ортиқ давлатларига узатилмоқда, интернетдаги “Онлайн” режимда дунёнинг исталган нуқтасида эшитиш, кўриш имконияти мавжуд. Бу Ўзбекистоннинг ҳар соҳада эришаётган ютуқлари, уларга омил бўлаётган жиҳатлар, халқимизнинг бугунги кайфияти, турмуши ҳақида дунё ҳамжамияти кундалик хабар ва маълумотларга эга бўлиб турганини англатади.

Бугун халқимиз улуғвор мақсадлар сари интилиб, ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт қуриш йўлида фидокорона меҳнат қилаётир. Ана шундай тарихий паллада яшаб, ижод қилаётган ҳар бир журналист, қаламкаш ҳар бир эришаётган ютуқларимизнинг аҳамиятини таъсирчан йўсинда етказиб бериш, халқимизни янгидан-янги марралар сари руҳлантириш, бу йўлдаги ибратли ишларни оммалаштириш каби юксак бурчни англаб фаолият юритиши лозим. Айни чоғда, жараён изчил давом этаётган, чунончи, кўплаб ислоҳотлар, янгиланишлар ҳаётга татбиқ этилаётган жойда камчиликлар, баъзи нуқсонлар бўлиши табиий. “Кўпдан қуён қочиб қутулмас”, деганларидай, таҳлилий ва танқидий чиқишлар орқали бу муаммоларга халқимиз эътиборини қаратган ҳолда уларни баҳамжиҳат бартараф этишга эришмоғимиз керак. Президентимиз таъкидлаганидек, матбуот орқали танқидга учраган ташкилот ёки корхона, мансабдор шахс буни ўзига, ишига нисбатан таҳдид деб тушунмаслиги, балки фаолиятига холисона кўз билан қараб, мавжуд аҳволни тузатишга ҳаракат қилишини бугун ҳаётнинг ўзи кун тартибига қатъий қилиб қўймоқда. Ўйлайманки, бундай самарали ҳамкорлик халқимизни озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришдек олий мақсадларга етишининг кафолати бўлиб хизмат қилади.

**Олим ТОШБОЕВ,**
**«O`zbekiston» телерадиоканали» ДУК директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.**

# E-Sud — электрон судлов тизими жорий этилмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларига келаётган ахборотларни йиғиш, сақлаш, категориялашни автоматлаштириш мақсадида даъво аризаларини топшириш чоғида даъвогар низо категорияси ва ариза турини танлайди, — дейди лойиҳа менежери Азамат Салаев. — Айтиш жоизки, тизим даъво аризаси турини танлашда низони судда кўриб чиқиш учун лозим бўлган маълумотларни — тарафлар, миқдор, меҳнат шартномаси ва бошқаларни сўрайди. Даъво аризаси мақоми ўзгарган ҳолларда (қабул қилиш рад этилганда, ҳаракатсиз қолдирилганда, кўриб чиқишга қабул қилинганда) ушбу маълумот суд веб-саҳифасида акс эттирилади, натижада суднинг тегишли ажримини кўриш, юклаб олиш ҳамда нашр қилиш имкони пайдо бўлади.

Тизимнинг яна бир қулайлиги шундаки, томонларнинг даъво аризаси топширилишига қадар фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари томонидан тегишли масалалар юзасидан қабул қилинган ҳужжатлар суд амалиёти билан танишиб ва ўрганиб чиқиш ҳамда даъво аризаларини қаноатлантириш эҳтимолини баҳолаши учун суд қарорлари кутубхонасида сақланади. Шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш назарда тутилганини ҳам айтиб ўтиш зарур. Яъни тизимнинг ўзи процессуал актни деперсонализациялайди — шахссизлантиради.

Лойиҳада интернет тармоғига уланиш имконияти бўлмаган фойдаланувчилар инобатга олингани ҳам эътиборлидир. Масалан, бундай фойдаланувчилар учун лойиҳа доирасида махсус ахборот киосклари олиниб, улар фуқаролик ишлари бўйича судлар биносига жойлаштирилади. Тизим имкониятлари шулардан иборат эмас. “Электрон суд иш юритуви” ва “Электрон ҳисобот” ҳам суд жараёни иштирокчиларига кўплаб қулайликлар туғдиради.

— “Электрон суд иш юритуви” фуқаролик ишларини электрон тарзда бошқаради, — дейди Х. Ёдгоров. — Яъни мавжуд E-Hujjat электрон ҳужжат алмашиш тизими қайта ишланиб, тўлдирилади. Бу судьяларга ишни электрон ҳолда, қоғоз папкаларни юритмаган ҳолда ўрганиш, кўриб чиқиш, қарор қабул қилиш имконини беради. Айни чоғда мазкур тизим кутиш залига уланиб, маълум кунда кўриб чиқилаётган фуқаролик ишлари рўйхати, зал рақами ҳамда кўриб чиқаётган судья исми шарифи монитор орқали кўрсатиб борилади.

E-Sud тизимининг “Электрон ҳисобот”и эса фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларининг ҳисоботларини автоматик тарзда шакллантиришга мўлжалланган. Ушбу тизимни жорий этиш орқали фуқаролик ишлари бўйича судлар статистик ҳисоботларини марказлаштириш ва биринчи инстанция судьяси иштирокисиз йиғиш ҳамда шакллантириш мумкин бўлади.

Янги тизим йўлга қўйилгач, судлар томонидан кўрсатилаётган қатор хизматлар интерфаол шаклга ўтказилади. Даъво ариза ва илтимосномаларни тузиш, фуқаролик ишлари бўйича судларга топшириш, судда кўриладиган куни ва вақти ҳақидаги маълумотларни ҳамда ажримлар ва суд актларини олиш билан боғлиқ жараёнлар бевосита интернет орқали бажарилади. Шу билан бирга, фуқаролик ишлари материаллари билан танишиш ҳамда судлар ҳақида ва уларнинг алоқа маълумотини олишда ҳам ундан фойдаланилади. Табиийки, бундай кенг имконият ва қулайликларга эга бўлган тизимнинг жорий этилиши кўплаб натижалар қўлга киритилишига замин яратади.

— E-Sud тизими амалиётга жорий қилингач, аввало, интернет тармоғи орқали аҳолига кўрсатилаётган интерфаол хизматлар сони, яъни замонавий АКТ воситалари орқали даъво аризалари ва илтимосномаларини топшириш, кўрилаётган иш мақоми ҳақида маълумотни ҳамда судлар томонидан қабул қилинаётган процессуал актларни олиш кўлами кенгаяди, — дейди лойиҳа менежери. — Айни чоғда судлар фаолиятига қоғозсиз ҳужжат алмашиш йўлга қўйилади. Шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича судлар фаолияти ҳақидаги статистик маълумотлар марказлаштирилади — уларни судьялар ва суд ходимлари иштирокисиз йиғиш, умумийлаштириш ва тизимлаштириш мумкин бўлади. Бу эса судлар статистик ҳисоботларининг ишончлилигини оширади. Шуларга мос ҳолда, судлар ва суд ижрочилари ўртасида маълумот алмашинувини тезлаштириш орқали суд қарорлари ижросини таъминлаш, фуқаролик ишлари бўйича судлар харажатларини камайтириш, томонларни судда ишни кўриб чиқилиши санаси ва вақти ҳақида хабардор қилишнинг самарали тизими ҳаётга татбиқ этилади.

Алоҳида айтиш жоизки, ушбу янги тизимни фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судида шу йилнинг июль ойидан бошлаб синовдан ўтказиш кўзда тутилган бўлиб, ҳозирги пайтда тайёргарлик ишлари якунига етказилмоқда. Синов жараёнлари муваффақиятли ўтгач, уни мамлакатимиз бўйича татбиқ этиш ишлари бошлаб юборилади.

— Бунинг учун, аввало, фуқаролик ишлари бўйича судлар компьютер инфраструктурасини ривожлантириш, яъни уларни компьютер ва бошқа техникалар билан тўлиқ таъминлаш талаб этилади, — дейди Х. Ёдгоров. — Интернетда шахсни тасдиқловчи қўшимча механизмларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш зарурати ҳам бор. Судларнинг электрон чақирувлари ва хабарномаларини электрон тарзда етказиб бериш учун рўйхатга олинган почта қутилардан кенг фойдаланишни таъминлаш ҳам айни муддаодир.

Умуман, E-Sud — электрон суд иш юритуви тизими суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларни янги босқичга кўтариш орқали инсон эркинликлари ва манфаатларини янада ишончли ҳимоя қилиш имкониятини кенгайтиради. Зеро, юртимизда рўёбга чиқарилаётган ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад ҳам шу муқаддас заминда истиқомат қилаётган ҳар бир инсоннинг бахтли, фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашдан иборатдир.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ИШБИЛАРМОНЛАР УЧРАШУВИ

*Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида 26 июнь куни Ўзбекистон ва Руминия ишбилармонларининг учрашуви бўлиб ўтди.*

Ўзаро савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига бағишланган тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, сармоя, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, сайёҳлик, автомобилсозлик, транспорт ва транспорт коммуникациялари, электротехника каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, фирма ҳамда компаниялари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхов, Руминия иқтисодиёт вазирининг ўринбосари, туризм бўйича миллий агентлик раҳбари Рэзван Филипеску мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик кўплаб соҳаларда ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Ўзбекистон билан Руминия ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, транспорт, маданият, илм-фан, сайёҳлик соҳаларидаги ҳамкорликка оид ўндан зиёд битим имзоланган. Мамлакатларимиз ўртасида савдода энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган.

Анжуманда савдо-иқтисодий, сармоявий ҳамкорликни кенгайтириш, биргаликда ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга оширишга оид масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, қўшма корхоналар сонини ва маҳсулотлар турини кўпайтириш масалалари муҳокама қилинди.

— Мазкур учрашув ишбилармонларимиз ўртасида амалий ҳамкорлик ўрнатиш учун қулай имкониятдир, — деди Р. Филипеску. — Ўзбекистон билан транспорт ва логистика, тўқимачилик, сайёҳлик, энергетика, қишлоқ хўжалиги, ахборот технологиялари каби соҳаларда ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдормиз. Ўзбекистонда хорижий ишбилармонларнинг муваффақиятли иш юритиши учун яратилган қулай шароит ва кенг имкониятлар руминиялик тадбиркорларнинг қизиқишини кучайтирмоқда.

Руминиялик ишбилармонлар юртимизда давом этаётган кенг кўламли хусусийлаштириш жараёни, изчиллик билан амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар бераётган юксак самаралар билан танишдилар. “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ва “Ангрен” махсус индустриал зонасида қўшма лойиҳаларни амалга оширишга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Учрашув доирасида мамлакатимиз компания ва корхоналари ҳамда Руминия ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперация биржаси ўтказилди.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Жамият таъсисчиси — “Photo Express” ишлаб чиқариш корхонаси томонидан “Ўзбеклизингинтернейшнл” компанияси ёрдамида бу ерга хорижда ишлаб чиқарилган “STAR-30” русумли машинаси ва қўшимча жиҳозлар ўрнатилиши иш унумдорлигини ошириб юборди.




Германия технологияси асосида ишлаб чиқарилган ушбу линияда А-3, А-4 ва ундан кичик форматдаги нашрлар ҳамда идора қоғозлари чоп этилмоқда. Бошқача айтганда, одатдаги машиналарда газеталарни икки хил рангда чиқариш учун икки марта чоп этиш талаб қилинган бўлса, замонавий дастгоҳда маҳсулотга бир жараённинг ўзида 4 хил ранг бериш мумкин.

# Миллий матбаа равнақи

### соҳа корхоналарининг эришган ютуқларида намоён бўлмоқда

— Матбаачилик соҳасида ишлаганимга қирқ йилдан ошди, — дейди жамият ишчиси Бахтиёр Тагиров. — Яқин-яқингача матбуот нашрларини чоп этиш ўта мураккаб ва қийин юмушлардан бири эди. Ҳарфлар қўлда терилиб, газетани тайёр ҳолга келтириш азоб бўларди. Ҳозир эса замонавий ускуналар ёрдамида нафақат оғир қўл меҳнати енгиллашмоқда, балки вақт тежалиб, маҳсулот сифати яхшиланмоқда. Чунончи, корхонамиздаги “STAR-30” русумли офсет машинаси илгари 10 соатда бажариладиган ишни бир соатда уддалаяпти.

Бундан ташқари, корхона цехларига муқовалаш, китобларга термоелим асосида безак бериш машиналари ҳам босқичма-босқич келтириб ўрнатилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ахборот асрида талаб этилаётган тезкорлик ва даврийликни янада ошириш, кўп нусхали босма маҳсулотлари сифатини янада яхшилашга хизмат қилаётир.

— Чиндан ҳам, бундан 15-20 йил олдинги матбаачилик билан бугунги давр ўртасида катта фарқ бор, — дейди жамият ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Роҳила Юлдашева. — Аввало, соҳадаги технологик янгиланишлар, замонавий дастгоҳларнинг олиб келиниши ишимизни бутунлай осонлаштирди. Ишлаб чиқаришни компьютер орқали бошқариш технологияси ҳам янгиланди. Шунингдек, цехимизга Япониянинг “Скрин” компаниясида ишлаб чиқарилган плёнкасиз қолип тайёрловчи “СТР” дастгоҳи олиб келинмоқда. Буларнинг барчаси иш сифати ва унумдорлигини оширишга қаратилган истиқболли лойиҳалар самарасидир.

Айни пайтда босмахонада 20 дан зиёд ижтимоий-сиёсий ва тармоқ газеталари чоп этилиб, банк қоғозлари, ёрлиқлар, афишалар, буклетлар, китоб ва рисолалар каби қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Амалга оширилган техник ва технологик янгиланишлар туфайли ўндан ортиқ қўшимча иш ўрни яратилди. Йил охирига қадар яна қарийб 200 минг АҚШ долларилик автоматлаштирилган офсет формаларини тайёрлаш ускуналарини келтириб ўрнатиш мўлжалланмоқда.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**Шомурот ШАРАПОВ (суратлар),**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

## ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШ ОЙЛИГИ

# Наркотик моддалар йўқ қилинди

### Тошкентда 1537 килограмм гиёҳвандлик воситалари ёқиб юборилди.

*Кеча Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг топшириғи асосида мамлакатимиз Миллий хавфсизлик хизмати ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар томонидан наркобизнесга қарши кураш давомида мусодара қилинган гиёҳвандлик воситаларининг навбатдаги тўпламини йўқ қилишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.*

Унда БМТнинг Марказий Осиёда Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг минтақавий ваколатхонаси, давлат ва жамоат ташкилотлари, мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Дунёда шундай салбий иллатлар борки, у нафақат одамнинг турмуш тарзи, ҳаётини издан чиқаради, балки ёш авлод саломатлигига, келажагига ҳам ўта хавфли таъсир кўрсатади. Ана шундай офатлардан бири — гиёҳвандлик балосидир. Бугунги кунда дунё миқёсида ушбу иллатга қарши кенг қамровли чора-тадбирлар рўёбга чиқарилмоқда.



Халқаро экспертларнинг фикрича, бугунги кунда гиёҳванд моддалар тарқалишига қарши курашда аҳоли, айниқса, ёшларнинг тиббий маданиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ҳамда бундай иллатга мойил бўлган вояга етмаганлар билан самарали иш олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Шу боис мамлакатимизда Наркотик моддаларнинг суиистеъмоли ва ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича 2011 — 2015 йилларга мўлжалланган комплекс чоралар дастури ижроси доирасида ҳуқуқ-тартибот органлари, Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Республика “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати сингари жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда тарғибот-ташвиқот тадбирлари изчил олиб борилаётир.

Шуни қайд этиш кераки, Ўзбекистонда гиёҳвандликка қарши курашиш, наркотик моддаларни етиштириш, ноқонуний муомалага чиқариш ҳамда ушбу иллат таъсирига тушиб қолганларни даволаш бўйича комплекс чоралар кўрилмоқда. Аввало, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига ҳамда тарқалишининг олдини олишга қаратилган ҳуқуқий асослар яратилган. Ўзбекистон истиқлолнинг дастлабки йилларидан ушбу соҳадаги халқаро ҳужжатларга қўшилиб, уларни миллий қонунчиликка имплементация қилди. Хусусан, БМТнинг 1961 йилдаги Гиёҳванд моддалар тўғрисидаги, 1971 йилдаги Психотроп моддалар тўғрисидаги, 1988 йилдаги Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш тўғрисидаги конвенциялари шулар жумласидандир. Айни пайтда 1999 йилда мамлакатимизда “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Ушбу ҳуқуқий асослар орқали гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланиши, мамлакатимизда ушбу моддаларнинг етиштирилиши ва тарқалишига ҳамда суиистеъмол қилинишига қарши институционал механизмлар яратилди.

Мусодара қилинган гиёҳванд моддаларнинг навбатдаги тўпламини йўқ қилишга бағишланган тадбирда сўз олганлар мамлакатимизда ушбу мудҳиш офатни бартараф этишга қаратилган саъй-ҳаракатлар хусусида кенг ва муфассал маълумот беришди.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда ўрнатилган тартибга кўра, судда ашёвий далил сифатида ўтган гиёҳвандлик воситалари ҳукм қонуний кучга киргач, махсус печларда Наркотик моддаларни назорат қилиш давлат комиссияси аъзолари иштирокида йўқ қилинади. Чунончи, илк марта 1994 йилда 14 тонна гиёҳвандлик моддаси ёқиш йўли билан йўқ қилинган эди. Умуман, ўтган давр мобайнида мамлакатимизда 50 тонна гиёҳвандлик воситаси йўқ қилинди. Кеча ташкил этилган тадбирда идоралараро комиссия томонидан 1537 килограмм гиёҳвандлик воситалари, шу жумладан, 198,2 кг. героин, 760 кг. қорадори, 411 кг. марихуана, 140,7 кг. гашиш, 27 кг. кўкнори ҳамда қарийб 20 минг туп наша ўсимлиги, кўплаб таблетка ва эритма шаклидаги психотроп моддалар йўқ қилинди.

Таҳлилларга кўра, юртимизда нарковазиятга салбий таъсир қилувчи асосий омил гиёҳвандлик моддаларини етиштириш бўйича жаҳонда етакчи ўринда турадиган Афғонистон билан чегарадош эканлигимиздир. Шу боис Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан трансмиллий наркогуруҳларнинг қонунга хилоф фаолиятини аниқлаш ва унга чек қўйиш, контрабанда йўлларини тўсиш, гиёҳвандлик ўсимликларини йўқ қилиш ва гиёҳвандликнинг олдини олиш бўйича махсус тадбирлар мажмуи рўёбга чиқарилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази маълумотига кўра, ўтган йили наркотикларнинг ноқонуний айланиши билан боғлиқ 8155 та жиноят қайд этилган. Уларнинг ярмидан кўпроғи наркотик моддаларни ўтказиш, 676 таси контрабанда, 1479 та гиёҳвандлик ўсимликларини экиш ва бошқаларга оид наркожиноятлардир. Ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан кўрилган амалий чоралар натижасида 3043,4 кг. наркотик модда мусодара қилинди. Ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, наркотик моддаларни сабзавот ва мевалар орасига, шунингдек, автомобиль транспорт воситаларининг яширин жойлари, қўл юклари, уй-рўзғор ва шахсий буюмлар, ҳатто одам танаси ички аъзоларига яшириш орқали олиб ўтилмоқда. Суд органлари томонидан бу борада 3578 та жиноят ишлари кўриб чиқилиб, 4953 нафар шахсга нисбатан жазо чоралари қўлланилди.

Ўзбекистонда наркотик моддаларнинг тарқалиши ва гиёҳвандликка қарши кенг кўламда самарали чоралар қўлланилаётганлиги, хусусан, тарғибот-ташвиқот ҳамда профилактика тадбирларининг кучайтирилаётгани натижасида гиёҳвандлик моддалари таъсирига тушиб қолаётганлар сони кескин пасаймоқда. Чунончи, диспансер ҳисобида турган гиёҳванд беморлар сони ўтган йили 962 нафарга камайган. Айниқса, бу кўрсаткич 20-39 ёшдаги шахсларда 63,7 фоизга камайгани диққатга сазовордир.

Шу билан бир қаторда, мамлакатимизда наркологик даволаш ва тиббий-ижтимоий реабилитация муассасалари фаолиятини янада яхшилаш, уларнинг моддий-техника базасини замонавий жиҳозлар билан таъминлашга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Мазкур муассасаларда фаолият юритаётган ижтимоий ходимлар сони кўпайтирилиб, улар, ўз навбатида, гиёҳвандлик моддалари таъсирига тушиб қолган беморларга яқиндан кўмак бериб келмоқда. Шунингдек, бу борада тарғибот-ташвиқот тадбирлари кўламини кенгайтириш ва самарадорлигини оширишга янада кўпроқ урғу қаратилмоқда. Бунда оммавий ахборот воситалари ҳамда интерактив тадбирлар имкониятларидан кенг фойдаланилаётгани айни муддаодир.

Айни чоғда наркотик моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашиш мақсадида республика ҳуқуқ-тартибот идоралари халқаро ҳамкорлик ва тажриба алмашишга ҳам катта эътибор қаратаётганини айтиб ўтиш зарур. Чунончи, халқаро лойиҳалар доирасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, наркотрафик ва гиёҳвандлик моддалари тарқалишига қарши кураш бўйича мутасадди вазирлик ва муассасаларнинг 245 нафар ходими махсус ўқув машғулотларида қатнашди.

Тадбирда гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланиши ҳамда гиёҳвандликнинг тарқалишига қарши курашишда кенг жамоатчиликнинг фаол иштирок этиши долзарб аҳамиятга эгалиги алоҳида таъкидланди.

**Қ. ХИДИРОВ.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

***Япониянинг электроника маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи “Sony” компанияси ўз брендини реклама қилишнинг антиқа йўлини танлади.***

## Антиқа реклама

Гап шундаки, корхона шу кунларда теннис бўйича Буюк Британияда бўлиб ўтаётган “Уимблдон” турнири иштирокчиси Энна Кеотавоннинг тирноқларида “Sony” ёзувини акс эттирган.

Эътиборли жиҳати, тирноқдаги ёзувни оддий телевизорлар орқали кўриш имкони йўқ. Шу боис “Sony” бундай тасвирларни юқори сифатда олиб кўрсатувчи “Sony Bravia X9” русумли телевизорлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Пировардида компания шу йўл орқали ўз бренди ва янги маҳсулотини реклама қилиш имкониятига эга бўлди.

## Ғалати жумбоқ

***Швейцариянинг “Swiss International Air Lines” авиакомпаниясига қарашли самолёт бортидан парвоз пайтида 1,2 миллион АҚШ доллари миқдоридаги нақд пул йўқолган.***



Буни лайнер Нью-Йоркдаги Жон Кеннеди халқаро аэропортига қўнганидан сўнг билиб қолишди.

Ҳозирча пулларнинг қандай йўқолганлиги номаълум. У ҳавога кўтарилмасидан олдин ўғирлаб кетилганлиги тахмин қилинмоқда.

Қизиқ жиҳати, “Swiss International Air Lines” авиакомпанияси ходимлари самолёт бортидан ҳеч қандай моддий бойликлар олиб чиқилмаганлигини билдиришган.

## Ёлғон хабар

***Польшада портловчи ускуналар ўрнатилганлиги ҳақидаги таҳдидли хабарлар сабабли 20 дан ортиқ муассасалар ходимлари эвакуация қилинди.***

Эвакуация тадбири давлат муассасаларига келган портлаш ҳақидаги электрон хабарлардан сўнг амалга оширилди. Маълумотларга қараганда, бундай хабарлар касалхоналар, судлар, прокуратура бинолари ва йирик савдо мажмуаларига жўнатилган. Аммо полиция уларнинг биортасидан портловчи модда топмади.

Польша ички ишлар вазирлиги маълум қилишича, текширувлар давом эттирилади. Аммо фуқаролар учун хавф-хатар йўқ.

Шунингдек, махсус гуруҳ хабарни йўллаган шахсни қидириш ишлари билан шуғулланади.

## Хавфдан асровчи билагузук

***Дизайнер ва рассом Константин Датс махсус билагузук дизайнини ишлаб чиқди.***




У атрофда эшитилаётган товушларни ўз экранида расм кўринишида акс эттиради.

Ушбу билагузук эшитиш қобилияти паст бўлган ва умуман гапира олмайдиган инсонларни ён-атрофдаги хавф-хатардан асрайди.

Билагузук экранида хавфни билдирувчи суратлар қизил, огоҳлантирувчи хабарлар яшил ва табиат билан боғлиқ тасвирлар эса кўк рангда намоён бўлади. Билагузук хабарларни етказганда вибрация ҳам юз беради. Бу эса бирорта хабар эътиборсиз қолиб кетмаслигини таъминлайди.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

● Реклама ва эълонлар ●

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
# ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги «Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, 2013 йилда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, ошпазлик ва спорт жиҳозлари, тикув ва чилангарлик устахона жиҳозлари, замонавий компьютер техникалари, йўл ҳаракати қоидаси хонаси жиҳозлари ҳамда мебель жиҳозларини харид қилиш ва таълим муассасаларига ўрнатиш бўйича тендер савдолари ўтказилиши тўғрисида эълон қилади.**

Тендер савдолари очиқ турда ўтказилиб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, тиббиёт ва спорт жиҳозлари, тикув ва чилангарлик устахона жиҳозлари, замонавий компьютер техникалари, йўл ҳаракати қоидаси хонаси жиҳозлари ҳамда мебель жиҳозларини ишлаб чиқариш ва етказиб бериш имкониятига эга бўлган мулкчилик шаклидан қатъи назар, юридик мақомга эга бўлган барча етказиб берувчи корхона ва ташкилотлар иштирок этишлари мумкин.

Тендер савдолари талабларига жавоб берадиган ишлаб чиқарувчи корхоналар (етказиб берувчилар), шу жумладан, кичик бизнес субъектлари ҳам қатнашишлари мумкин.

Мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари (ишларни бажарувчилар, хизматлар кўрсатувчилар) учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар қўлланилади.

Тендер савдоларида тендер ҳужжатлари талабларига жавоб берадиган юридик шахслар иштирок эта оладилар.

**Тендер савдоларида қуйидаги юридик шахслар иштирок эта олмайдилар:**

— қайта ташкил этиш, тугатилиш ёки банкротлик босқичида бўлган;
— малакавий танлов учун барча зарур ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этмаган;
— Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ва унинг ҳудудий бошқармалари билан илгари тузилган шартномалар бўйича қабул қилинган мажбуриятларни зарур даражада бажармаган;
— мазкур эълон чоп этилган санага қадар 6 (олти) ойдан кам муддат ичида ташкил топган корхона ва ташкилотлар;
— буюртмачи — Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ва унинг ҳудудий бошқармалари билан суд ёки ҳакамлик муҳокамасида иши кўриб чиқилаётган;
— тижорат ва молия кўрсаткичлари бўйича тендер комиссиясининг талабларига жавоб бермайдиганлар;
— бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар олдида қарздорлиги мавжуд бўлган корхона ва ташкилотлар.

Тендер савдосида қатнашмоқчи бўлган талабгорлар уларнинг тендер таклифлари солинган конвертлари очилишидан олдин тендер комиссияси томонидан амалга ошириладиган малакавий танлов (квалификационный отбор)дан ўтказилади.

Бунинг учун талабгорлар тендер комиссиясининг ишчи органига тендер таклифлари билан биргаликда алоҳида жилд (папка)да қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:

— ишлаб чиқариш, сақлаш ва иш фаолияти учун ўзининг биноси, дастгоҳлари (ёки камида 1 йилга ижарага олган ишлаб чиқариш биноси, цехлари ва дастгоҳлари) мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатининг асли ёки ўрнатилган тартибда тасдиқланган нусхаси;
— Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармаларидан талабгор банкротлик жараёнида эмаслиги тўғрисида маълумотнома;
— давлат рўйхатига олувчи органдан талабгор тугатилиш ёки қайта ташкил этилиш жараёнида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;
— талабгорнинг юридик шахс, кичик бизнесга тааллуқли эканлиги тўғрисида давлат статистика органлари томонидан берилган маълумотнома;
— давлат солиқ инспекциясидан талабгорнинг тендер савдолари ўтказилиши тўғрисида эълон қилинган кунгача бўлган даврда бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалардан қарзи йўқлигини тасдиқловчи маълумотнома;
— талабгорга хизмат кўрсатувчи банкдан талабгорнинг тендер савдолари ўтказилиши тўғрисида эълон қилинган кунгача бўлган даврда асосий ва иккиламчи ҳисоб рақамлари, картотека (К-2) бўйича қарзи йўқлигини тасдиқловчи тегишли маълумотнома;
— талабгорнинг ишчи органига тендер савдоларида қатнашиш учун таклиф этаётган маҳсулот намуналарини тақдим этганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг асл нусхаси.

Малакавий танловни ўтказиш тендер таклифларининг қабул қилишнинг охирги санасидан бошлаб 10 кун муддат ичида амалга оширилади.

Тендер комиссиясининг топшириғига мувофиқ, ишчи орган ёки ишчи гуруҳи талабгорларнинг ишлаб чиқариш жойлари, ишлаб чиқариш қуввати, технологик ускуналари мавжудлиги ва тендер билан боғлиқ бошқа кўрсаткичларини (ижара шартномаси, ижара биноси, мебель ва жиҳозлар ишлаб чиқариш учун ўзининг ишлаб чиқариш биноси ва дастгоҳлари ёки ижарага олган ишлаб чиқариш биноси, цехлари ва дастгоҳлари мавжудлигини) ўрганиб чиқиш ҳуқуқига эга.

Тендер савдолари натижаларига кўра, ғолиб бўлган корхона ва ташкилотлар жиҳозларни — имзоланган шартномалар бўйича олдиндан тўлов амалга оширилган кундан бошлаб 90 (тўқсон) кун муддатда таълим муассасаларига етказиб беришлари шарт.

Тендер савдоларини ўтказилиши тўғрисида қўшимча маълумот олиш учун тендер комиссиясининг ишчи органига эълон чоп этилган санадан бошлаб (шанба ва якшанбадан ташқари) тендер таклифларини қабул қилишнинг охирги кунига қадар ҳар куни соат 10.00 дан 17.00 гача қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:

**100095, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 2-Чимбой кўчаси, 96-уй,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази.**
**Телефон: (8-371) 246-12-40. Факс: (8-371) 246-12-74. E-mail: sspo_taminot@markaz.uz**

| Лот № | Харид қилинадиган жиҳозлар (лот) номи | Лот максимал суммаси (сўмда) |
|---|---|---|
| 1 | Умумтаълим фанлари учун ўқув-лаборатория жиҳозлари | 707 560 980 |
| 2 | Компьютер синфлари учун компьютер техникалари | 4 142 972 988 |
| 3 | Ахборот-ресурс марказлари учун компьютер техникалари | 2 629 130 000 |
| 4 | Чет тили хонаси учун компьютер техникалари | 5 476 610 700 |
| 5 | Чилангарлик устахонаси жиҳозлари | 1 308 325 410 |
| 6 | Тикувчилик устахонаси жиҳозлари | 2 133 220 700 |
| 7 | Спорт жиҳозлари (I, II қисм) | 2 265 624 000 |
| 8 | Йўл ҳаракати қоидаси хоналари жиҳозлари | 2 053 545 200 |
| 9 | Ётоқхона жиҳозлари | 2 075 472 000 |
| 10 | Фан хоналари ва лаборатория хоналари учун мебеллар | 2 790 339 600 |
| 11 | Чет тили хонаси учун мебеллар | 430 425 000 |
| 12 | Ошпазлик хонаси жиҳозлари | 803 121 930 |

Харид қилинаётган жиҳозларнинг энг юқори (максимал) нархлари тўғрисидаги қўшимча маълумотлар Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази www.markaz.uz электрон сайтида.

Тендер ҳужжатларини сотиб олиш истагида бўлган талабгорлар ишчи органининг қуйидаги махсус ҳисоб рақамига ҳар бир лот учун алоҳида 600 000 (олти юз минг) сўм миқдорида қайтариб берилмайдиган тўловни амалга оширишлари шарт:

**Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг реквизитлари:**
Молия вазирлиги ғазначилиги
ҳ/р: 2340 2000 3001 0000 1010, ш/хв: 4999 1086 0262 8079 5010 0028 001
ХККМ Марказий банк Бош бошқармаси, МФО: 00014, ОКОНХ: 92120,
СТИР Ғазначилик: 201 122 919, СТИР ЎМКҲТ Маркази: 202 515 618

Тендер таклифлари буюртмачи томонидан ҳар бир лот учун белгиланган максимал суммасининг 1 (бир) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат суммаси билан ҳар бир лот учун алоҳида (ҳар бир лот тақсимотига кўра алоҳида ўтказилади) кафолатланиши шарт.

Кафолат маблағлари тендер таклифларини топширишнинг охирги кунигача ўтказилган бўлиши талаб қилинади (барча тўловлар сўмда амалга оширилади).

Тўлов топшириқномасида кўрсатилган ҳолда ишчи органининг юқорида келтирилган махсус ҳисоб рақамига ўтказилиши шарт.

Юқорида кўрсатилган закалат суммаси билан бириктирилмаган тендер таклифлари тендер комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Тендер таклифлари тендер комиссиясининг ишчи органига (ҳафтанинг шанба ва якшанба кунларидан ташқари) юқорида кўрсатилган манзил бўйича 2013 йил 26 июль куни соат 18.00 дан кечикмасдан тақдим этилиши лозим.

Тендер таклифлари солинган конвертларнинг очилиши тендер комиссияси томонидан амалга оширилади. Бу ҳақида талабгорга тендер комиссиясининг ишчи органи томонидан қўшимча хабар қилинади.

Тендер таклифлари (конвертлар) очилишида талабгорлар вакиллари иштирок этишлари мумкин.

1034R/618

# XALQ BANKI

*Маълумки, мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда бошқа соҳалар қаторида молия муассасаларининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Айниқса, кейинги йилларда мазкур тизим янада такомиллаштирилиб, банкларнинг маблағ ва хизматлари аниқ мақсадларга йўналтирилаётгани ўз самарасини бермоқда.*

## Мақсад — аҳоли фаровонлигини ошириш

Хусусан, Давлат-тижорат Халқ банки томонидан аҳолига “Обод турмуш”, “Талабага мадад”, “Мустаҳкам оила”, “Коммунал хизмат” каби 22 турдаги муддатли ва жамғариб бориладиган омонат таклиф этилаётгани, шунингдек, нақд пулнинг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш юзасидан муайян чора-тадбирлар кўрилаётгани бунинг тасдиғидир.

Шу билан бирга, мазкур банк жамоаси аҳолидан коммунал тўловларни қабул қилиш борасидаги ишларга ҳам алоҳида эътибор қаратаётгани таҳсинга лойиқ. Яъни ҳозир аҳоли банкнинг жойлардаги 198 та филиали, 188 та минибанки, 2367 та жамғарма ва коммунал тўловларни қабул қилиш кассалари маҳаллалар ва хонадонларга кириб келаётгани нафақадаги кишилар, эҳтиёжманд, ёлғиз кексалар учун қулайлик яратмоқда. Бундай кассаларда коммунал тўловларни амалга оширишдан ташқари, бошқа банк хизматлари ҳам кўрсатилаётгани эса аҳоли учун айни муддао бўлаётир.

Банк жамоасининг бундай саъй-ҳаракатлари республикамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам самара бермоқда. Масалан, Қашқадарё вилоятида шу йилнинг ўтган ойлари ичида аҳолидан 3 миллиард 310 миллион сўм миқдорида коммунал тўловлар қабул қилинган бўлса, Фарғона вилоятида бу кўрсаткич 7 миллиард 334 миллион сўмни ташкил этди. Шундан




орқали ўз тўловларини амалга ошириши мумкин. Бундан ташқари, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида республикамизнинг энг чекка қишлоқларида ҳам махсус жиҳозланган 200 дан зиёд автоуловлар ушбу йўналишда намунали хизмат кўрсатмоқда. Жорий йилнинг беш ойи мобайнида банкнинг биргина Тошкент вилояти филиали томонидан аҳолининг 35,9 миллиард сўм миқдорида коммунал тўловлари қабул қилингани бунга яққол мисол бўла олади.

— Халқ банки кўрсатаётган хизматлар узоғимизни яқин, оғиримизни енгил қилмоқда, — дейди Қибрай туманидаги “Янгиобод” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Азиза Эргашева. — Жумладан, унинг сайёр кассалари мутаносиб равишда 1,3 миллиард сўм ва салкам 3 миллиард сўми сайёр кассалар ҳиссасига тўғри келади.

Албатта, яратилаётган қулайлик ва кўрсатилаётган хизматларнинг сифат жиҳатдан яхшиланаётгани Халқ банкига бўлган ишончни оширмоқда. Жорий йилнинг ўтган беш ойи давомида аҳолидан 169,6 миллиард сўмдан ортиқ коммунал тўловлар қабул қилингани, бу аввалги йилнинг шу давридагига нисбатан 30,5 миллиард сўм кўп эканлиги ана шундан далолат беради. Қолаверса, Халқ банкида савдо, пуллик хизмат кўрсатиш йўналишлари бўйича нақд пул тушуми 1 триллион 937 миллиард сўмга етказилиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 220 миллиард сўм ўсишга эришилгани ҳам диққатга сазовордир.

Молия муассасаларининг истиқболи, шубҳасиз, мижозларга кўрсатилаётган хизмат ва ажратилаётган маблағларнинг қанчалик кафолатланганлигига боғлиқ. Бугунги кунда мижозлар банкни ўзлари танлаш ёки пул маблағларини ўзлари истаган ҳолда тасарруф этиш имконига эгалиги замирида эса айнан шу кафолат мужассам. Давлат-тижорат Халқ банки жамоаси келгусида ҳам бу борадаги эзгу ишларни изчил давом эттириб, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилаверади.

**Банк матбуот хизмати.**

# «Universal auktsion invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали
## очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

2013 йил 29 июль куни соат 11.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги автомототранспорт воситалари қўйилмоқда:

Денов тумани СИБ томонидан хатланган, Денов тумани ИИБ ДЙҲХХ жарима майдончасида сақланаётган: Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 13 августдаги 19-1208/8145-сонли ижро варақасига асосан, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СНГ ЛАСЕТТИ ВСD» русумли, давлат рақами 75 414 САА.

***Бошланғич баҳоси — 36 282 912 сўм.***

Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2010 йил 5 октябрдаги 19-1008/14018-сонли ҳукмига асосан хатланган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, «Matiz DLX» русумли, давлат рақами 75 204 ВАА.

***Бошланғич баҳоси — 21 253 492 сўм.***

Термиз шаҳар СИБ томонидан хатланган:

ЖИБ Қизириқ тумани судининг 2013 йил 18 апрелдаги ижро варақасига асосан хатланган, Суд департаментининг Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси ҳовлисида сақланаётган, ишлаб чиқарилган йили номаълум, «HONDA» русумли, давлат рақамисиз, техник носоз.

***Бошланғич баҳоси — 4 080 000 сўм.***

Термиз ҳарбий судининг 2011 йил 21 апрелдаги 15-сонли ҳукмига асосан хатланган, Термиз гарнизони ҲАНда сақланаётган, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, «АДД ММЗ-45021» русумли, давлат рақами 19 М 0510, техник носоз.

***Бошланғич баҳоси — 7 951 927,5 сўм.***

ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2012 йил 14 майдаги 1-102-сонли ҳукмига асосан хатланган, Термиз шаҳар ИИБ тармоғида сақланаётган, «УРАЛ» русумли, таъмирталаб.

***Бошланғич баҳоси — 78 950,7 сўм.***

Термиз ҳарбий судининг 2011 йил 3 июндаги 23-сонли ҳукмига асосан хатланган, Термиз гарнизони ҲАНда сақланаётган, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, «ЗИЛ-133 ГЯ» русумли, давлат рақами 19 К 1526, техник носоз.

***Бошланғич баҳоси — 3 231 276,8 сўм.***

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин соат 11.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Universal Auktsion invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ХОАББ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги МФО: 01063, СТИР: 302083379, 20208000204932168018 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган бўлиши шарт. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

1028R/870

**Аукцион савдосини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Ф. Хўжаев кўчаси, 32-уй, «Тадбиркорлар маркази».**
**Мурожаат учун телефон: (+99898) 100-86-86.**
*Гувоҳнома № 004059.*

## «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
# Сирдарё вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Мирзаобод тумани СИБ томонидан ФИБ Гулистон туманлараро судининг 2009 йил 23 декабрдаги ижро варақасига асосан хатланган, Мирзаобод тумани, Янги ҳаёт қўрғонида жойлашган, «Чан-Чин» ИЧСФга тегишли бўлган, умумий майдони 480,40 кв.м.дан иборат таъмирталаб ҳолдаги идора биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 326 951 233,13 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 30 июль куни соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 26 июль куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сирдарё вилояти филиалининг ДАТ (ОАЖ) «Асака» банки Сирдарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

**Манзил: Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси, 3-қават, 58-хона.**
**Телефон: (8-367) 226-38-91. www.1kms.uz**
**Хизматлар лицензияланган.**

1037A/1453

*Лицензия: RR-0001.*

## «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
# Фарғона вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Фарғона шаҳар СИБ томонидан ФИБ Фарғона туманлараро судининг 2012 йил 9 апрелдаги ижро варақасига асосан хатланган, Фарғона шаҳри, Аҳмад Яссавий кўчаси, 12-уйда жойлашган, қурилиш майдони 380,0 кв.м., фойдаланиш майдони 592,70 кв.м., икки қаватли бино-иншоотлар такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 182 069 100 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 15 июль куни соат 15.00 да ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 12 июль соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Фарғона вилояти филиалининг Давлат-тижорат Халқ банки Фарғона вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609011, МФО: 00497, СТИР: 207 122 519.

**Манзил: Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 35-уй.**
**Телефон: (8-373) 224-68-69. www.1kms.uz**
**Хизматлар лицензияланган.**

1038A/1453

*Лицензия: RR-0001.*

## Спорт



*Санобар Ҳақназарова Ромитан туманидаги 7-мактаб ўқувчиси. Спортга қизиқади. Бадиий гимнастика билан шуғулланади. Туман, вилоят миқёсидаги бир қатор мусобақалар совриндори. Туман гимнастика маркази мураббийи Сабоҳат Нарзиева унга уч нафар энг иқтидорли шогирдимнинг бири, дея таъриф беради. Бувиси Ибодат Ибрагимова эса набирасининг ўқиши ва спортдаги ютуқларидан жуда хурсанд.*

# Бўлажак чемпион қизлар

— Набирамнинг гимнастикага иштиёқи кучли, — дейди у қувончини биз билан баҳам кўриб. — Беш ёшидан бошлаб шу спорт тури билан шуғулланмоқда. Соғлом, тетик, қадди-қомати расо. Вақтдан унумли фойдаланишга одатланган. Кенжа неварам Азиза ҳам опасига эргашиб, спорт билан шуғулланмоқда. Санобаримга келсак, унинг катта ютуқлари ҳали олдинда. Ўғил-қизларимизга шундай шарт-шароитларни яратиб берган Президентимизга раҳмат, дейман.

Ибодат аянинг сўзларида муболаға йўқ. Гимнастика маркази онахон ва унинг набиралари истиқомат қилаётган "Боғча" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган. Эътиборлиси, кейинги уч-тўрт йил ичида бу маҳалла қиёфаси тубдан ўзгарди. Замонавий сервис ва савдо шохобчалари, тўй маросимлари зали, ошхона, қишлоқ врачлик пункти, "Қалдирғоч", "Лочин" мактабгача таълим муассасалари қишлоқ аҳолиси учун замонавий қулайликларни юзага келтирди. Яна бир диққатга молик жиҳати, бу ерда намунавий лойиҳалар асосида 45 та уй-жой қад ростлади.

— Ҳудудимизда ўттиз мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади, — дейди "Ромитан" қишлоқ фуқаролар йиғини масъул котиби Саъдулла Беҳбудов. — Саккизта маҳалла бор. Боғча маҳалласи улар орасида алоҳида ажралиб туради. Бу ерда спорт мажмуаси барпо этилмоқда. У иккита майдончадан иборат бўлади. Спортнинг беш-олти тури билан шуғулланиш имконияти юзага келади. Бадиий гимнастика маркази ҳам шу ҳудудда жойлашган. Бу ердаги шарт-шароитлар, кўриб турганингиздек, шаҳарникидан сира қолишмайди.

Дарҳақиқат, марказда бадиий гимнастика билан шуғулланиш учун барча қулайликлар муҳайё. У 12x30 ва 15x6 ўлчамдаги иккита зал ҳамда барча турдаги ёрдамчи хоналарга эга. Залга махсус гимнастика гилами тўшалган. Эътиборлиси, гимнастикачи қизларнинг оналари учун шейпинг ҳамда тренажёр зали мавжуд. Айни дамда марказнинг иситиш тизими янгиланди, бинонинг томи шифер билан қопланиб, ички ва ташқи қисми таъмирдан чиқарилмоқда. Шу мақсадлар учун давлат бюджетидан 60 миллион сўм ажратилди.

— Бу эътибор ва ғамхўрликдан биз жуда хурсандмиз, — дейди марказ мураббийи Сабоҳат Нарзиева. — Биласизми, кейинги йилларда қишлоғимиз қизлари ўртасида бадиий гимнастикага бўлган қизиқиш жуда кучайди. Ҳозир тўртта гуруҳда 62 нафар қиз билан машғулотлар олиб бораяпмиз. Улар орасида Санобар Ҳақназарова, Мадина Сафарова, Ҳилола Шарипова сингари иқтидорли гимнастикачилар бор. Мен уларга қараб ўзимнинг болалигимни кўргандек бўламан. Негаки, ўзим ҳам шу марказ тарбияланувчисиман. Спортга меҳр қўйиб, ҳаётда ўз йўлимни топдим. Фарқи шундаки, илгари бизда бундай ажойиб шарт-шароитлар йўқ эди. Эндиликда ҳамма гап шу қулайликлардан самарали фойдаланиб, ютуқларни янада мустаҳкамлашда.

— Юртимизда аҳолига муносиб турмуш тарзини яратиб бериш учун намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қуриш, обод массивлар барпо этиш жадал давом этмоқда, — дейди яна бир суҳбатдошимиз, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали етакчи мутахассиси Бозор Шеров. — Биргина кейинги уч йил ичида 1100 тадан зиёд уй-жойлар барпо этилди. Улар ёнида қатор маданий-маиший объектлар қад ростлади. Жамғармамиз ҳам бу каби хайрли ишларга бош қўшмоқда. Чунончи, вилоятимизнинг Паноб ҳамда Гаждумак қишлоқларида намунавий лойиҳалар асосида қурилган уй-жойлар ёнида кўркам спорт майдончалари барпо этдик.

Биз бу шинам массивларда ҳам ўғил-қизлар спортнинг минифутбол, қўл тўпи, волейбол сингари турлари билан шуғулланишаётгани, бўш вақтларини мазмунли ўтказишаётганига гувоҳ бўлдик. Спортга меҳр қўйган бу ёшлар орасидан эртага вилоят, мамлакат, халқаро миқёсдаги мусобақалар ғолиблари етишиб чиқиши, шубҳасиз.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти немис нашрлари нигоҳида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Немис тили Ўзбекистонда ўрганиладиган тиллардан бири бўлгани сабабли бизнинг саёҳатимиз дастлаб Тошкентдаги Гёте институти фаолияти билан яқиндан танишишдан бошланди, — дея мақолада ҳикоя қилади сайёҳлардан бири. — Мамлакатдаги чет тиллари ўргатиладиган, хусусан, немис тили чуқур ўқитиладиган олий ўқув юртлари Германиядан ташриф буюрган меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

"Ўзбек халқининг миллий хусусиятлари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашар экан, немис сайёҳлари ўзбекистонликлардаги катталарга бўлган ҳурмат ва эҳтиром туйғусини алоҳида эътироф этишган. Улар ўзбек халқининг маданияти, меҳмондўстлиги ва самимиятини юқори баҳолаган ҳолда, ўқувчиларни Ўзбекистон бўйлаб гўзал саёҳатга чорлашган", дея ёзилади "Westdeutsche Zeitung" газетасида.

"Geograf Exkursionen" сайёҳлик компаниясининг веб-саҳифасида эълон қилинган мақолада эса Ўзбекистон заминида қад кўтарган меъморий ёдгорликлар ҳақида фикр юритилади. Хусусан, мақолада мамлакатимизнинг тарихий шаҳарлари бўйлаб икки ҳафталик саёҳат дастури тўғрисидаги маълумотлар ўз аксини топган. Ўзбекистоннинг Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларидаги ЮНЕСКО Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатидан ўрин олган тарихий обидалари тўғрисидаги батафсил ахборотлар ҳам муштарийлар эътиборига ҳавола этилган. Саёҳат ишқибозларига мурожаат қилар экан "Бу мўъжизакор шаҳарларга саёҳат қилсангиз, ўзингизни худди "Минг бир кеча" эртагига тушиб қолгандек ҳис этасиз", дея таъкидланади "Geograf Exkursionen" компанияси веб-саҳифасида.

**«Жаҳон» АА.**

## ОҒИР АТЛЕТИКА

*Оғир атлетика бўйича Қозоғистонда ташкил этилган Осиё чемпионатида ҳамюртимиз Руслан Нуриддинов олтин медални қўлга киритди.*

# Ҳамюртимиз Осиё чемпиони

Ўтган йил Лондонда бўлиб ўтган Олимпиада ўйинларида кучли бешликдан жой олган спортчимиз қитъа биринчилигида 105 килограмм вазн тоифасида ўз имкониятини синаб кўрди. Муросасиз курашларга бой кечган беллашувлар якунида атлетимиз даст кўтаришда 190 килограмм, силтаб кўтаришда 230 килограмм оғирликни бўйсундирди. Шу тариқа у икки кураш натижасига кўра, 420 килограммлик кўрсаткични қайд этиб, бир йўла учта олтин медалга сазовор бўлди.

Ушбу мусобақада яна бир ҳамюртимиз Марина Сисоева эса хотин-қизлар орасида кучли учликдан ўрин эгаллади.

## ШАХМАТ

# Қитъа биринчилигидаги муваффақият

*Эрон мамлакати мезбонлик қилаётган шахмат бўйича 18 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ўртасидаги Осиё чемпионатида терма жамоамиз аъзолари дастлабки медалларни қўлга киритишди.*

Жумладан, қитъа биринчилиги дастуридан ўрин олган тезкор шахмат (рапид) бўйича ташкил этилган беллашувларда 6 ёшли шахматчимиз Исломбек Синдоров барча баҳсни ғалаба билан якунлаб, Осиё чемпиони, деган шарафли номга эга бўлди.

Ўн олти ёшгача бўлган қизлар ўртасида эса Шаҳноза Турсунова бронза медалига сазовор бўлди.

Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, қитъа биринчилигида ёш шахматчилар рапид ва блиц-турнирлар ҳамда классик шахмат бўйича ўз имкониятларини синовдан ўтказадилар.

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**



# Экобоғда хайрия тадбири

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Таъкидланганидек, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларнинг кучли фуқаролик жамияти барпо этишдаги фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мазкур йўналишда "Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди" ва "Фонд Форум" ҳамкорлигида қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Нодавлат нотижорат ташкилотлар аҳолининг турли қатламлари, айниқса, болалар, ёшлар ва хотин-қизлар манфаатларини ҳимоялаш, саломатлигини мустаҳкамлаш ҳамда билимини бойитишда, янги иш ўринлари яратишда муҳим бўғинга айланмоқда.

Тадбир давомида "Нодавлат нотижорат ташкилотлари Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ тумани болаларини қўллаб-қувватламоқдалар" деб номланган хайрия акцияси доирасида кимошди савдоси ҳам уюштирилди. Ундан тушган маблағлар ҳисобига Мўйноқ тумани болалар боғчалари учун керакли асбоб-анжомлар харид қилинади. Бундан ташқари, "Hydrolife Bottlers" компанияси Мўйноқ туманида жойлашган 9 та болалар боғчасини 240 тонна тоза ичимлик суви билан бир йил давомида бепул таъминлайди.

Шунингдек, "Ҳудудий нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ижтимоий аҳамиятли лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш" грант дастуридан ўрин олган "Обод уйим" танлови ғолиблари номи ҳам эълон қилинди. Айтиш керакки, танловда 130 лойиҳа муаллифлари қатнашди. Шундан 27 та лойиҳа экспертлар кенгаши томонидан атрофлича кўриб чиқилиб, улар молиялаштириш учун маъқул, деб топилди.

"Обод турмуш йили" Давлат дастурига мувофиқ ташкил этилган ушбу лойиҳа қишлоқ жойлардаги ижтимоий инфратузилмани янада яхшилашга хизмат қилади. Бунда йўлларни таъмирлаш, аҳоли яшаш жойларига туташ ҳудудларни санитария талабларига мувофиқ тозалаш ва кўкаламзорлаштириш, болалар майдончалари бунёд этиш, тоза ичимлик сувидан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, кичик тадбиркорликни ривожлантириш учун ёшлар ва аёлларнинг билим даражасини ошириш ҳамда шу каби тадбирларга нодавлат нотижорат ташкилотларини жалб қилиш йўли билан эришилади.

Тадбирда грантларни қўлга киритган нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларига сертификатлар топширилди.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## «МАРДИ МАЙДОН!»

*Мард майдонда синалади, деган ибора бор халқимизда. Дарҳақиқат, майдонда энг холис баҳони томошабин беради. Унда истеъдод ва маҳорат эгалари рағбатга, эътирофга, олқишга сазовор бўлади.*

# Жонли ижро оҳанрабоси

Ўзбекистон давлат консерваториясида бўлиб ўтган "Марди майдон!" — жонли ижродаги қўшиқлар фестивали иштирокчиларининг концерти чинакам истеъдодларни майдонга — саҳнага чорлади. Мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси томонидан "Terra Group" масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда 17 дан 30 ёшгача бўлган профессионал ва ҳаваскор ижрочилар ўз маҳоратларини синовдан ўтказдилар.

Фестивалнинг очилишида сўзга чиққан "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси бош директори А. Ҳайдаров ва бошқалар миллий эстрада санъатини янада ривожлантириш, мазкур йўналишда ижод қилаётган санъаткорлар, хусусан, ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга катта эътибор қаратилаётганини таъкидладилар. 2011 йилдан буён ўтказиб келинаётган "Марди майдон!" — жонли ижродаги қўшиқлар фестивали алоҳида аҳамият касб этаётир. Эътиборлиси, ўтган даврда мазкур фестиваль доирасида "Сени шарафлаймиз, Ўзбекистоним!", "Дилларда Ватан мадҳи" сингари 9 та концерт дастури ташкил қилиниб, улар орқали 50 нафарга яқин ёш истеъдод соҳибларининг янги ижодий қирралари кашф этилди.

Бу галги концертда анъанавий ижрочилик бўйича 3, академик вокал йўналишида бир нафар ҳамда эстрада йўналишида 6 нафар хонанда ижро этган қўшиқлар томошабинларда илиқ таассурот қолдирди.

Ушбу хайрли тадбир ёшларимиз орасида янги истеъдодларни кашф этишда намуна бўлаётир.

**Фаррух БЎТАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**





● Реклама ва эълонлар ●

**М.В. ЛОМОНОСОВ НОМИДАГИ МОСКВА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ**

*2013/2014 ўқув йилига абитуриентлар қабулини қуйидаги йўналишлар бўйича бошлаганлигини эълон қилади:*

- амалий математика ва информатика;
- психология.

*Ҳужжатлар 2013 йил 20 июндан 10 июлга қадар қабул қилинади.*

Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 22-уй.
Маълумот учун телефонлар: (8-371) 232-28-11, 232-28-22.
Қабул ҳайъатининг иш вақти — соат 9.00 дан 18.00 гача, дам олиш кунларисиз.

Қўшимча маълумот учун сайт: www.msu.uz

1017А/602

**«Ўзнефтгазқазибчиқариш» АКга қарашли «Neftgazqazibchiqarish-injiniring» унитар шўъба корхонаси**

*2013 йилги молиявий фаолиятини аудит текширувидан ўтказишга аудитор компанияларини танловда қатнашишга таклиф этади.*

Ўз тижорат таклифларингизни 2013 йил 20 июлгача қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 66-уй, «Ўзнефтгазқазибчиқариш» АК, маъмурий бино, 2-қават, 212-хона.

Маълумот учун тел./факс: (+99871) 235-35-97, 235-45-82.

1029А/603






Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 654. 113 202 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.20 Топширилди — 21.50 1 2 3 4 5